

• КПСС Марказий Комитетининг миллатлараро муносабатларга бағишланадиган Пленуми олдида •

ВАТАНИМИЗ БИР, ТАҚДИРИМИЗ БИР

• Шахсий фикр •

КЕЙИНГИ пайтларда гоҳ у, гоҳ бу ерда рус, маҳаллий ва чет тилларини ўрганиши яхшилаш хусусида кўп гаплар бўлапти. Кўп тиллик масаласи бугунги кунда миллатлараро муносабатларнинг энг долзарб масаласи бўлиб қолди. Уа она тилимизни ҳеч шубҳасиз билишимиз, севишимиз керак. Бироқ маданийлашган ҳамма халқлар ҳаёти шуни кўрсатишдики, ўзимиз тез-тез учрашиб, мулоқотда бўлётган бошқа халқлар тилини билишимиз миллий чекинашларни бартаф этишининг энг қўлай йўлидир.

Бизнинг аjoyиб кўп тилли давлатимизда рус тили ҳамма эътироф этган миллатлараро алоқа тилидир. Ўзбекистонда маҳаллий аҳолининг учдан биридан кўпроги рус тилини иккинчи тили сифатида у ёки бу даражада билади. Республиканинг ўқув муассасаларида ўзбек ва рус тилларини, бошқа қатор тилларни кўнгилли тарзда ўқитиш учун шароит яратилган. Тилларни бу таҳлит ўқитиш ва ўрганиш ленинча партиянинг интернационал сўбати тақозосидир. Шу билан бирга бу илмий-техник тараққиётнинг зарур жараёнларидан биридир. Шуни таъкидлаш керакки, Пушкин ва Чернишевский тили ҳозир жаҳоннинг юздан ортиқ мамлакатда ўрганилмоқда. БМТнинг Уставига мувофиқ рус тили бешта халқлар тилларининг бири сифатида тан олинган.

Кўп тиллик мамлакатимизнинг кўпгина регионларига хосдир. Буни бизнинг республикамиз мисолида ҳам аққол кўриш мумкин. Чунки, Сирдарё области ҳудуд комитети 1989 йилдан ўз эътиртишларини беш тилда — ўзбек, рус, қozoқ, тоjik ва қрим татар тилларида олиб бора бошлади. Бу кўрик ўлқанинг аҳолиси кўпмиллатли бўлиб, ана шу миллатларнинг вакиллари кўпчилик ташкил этади. Шу нарса эътиборга лойиқки, область радио комитети раиси шу беш тилини, бош редактор эса ўн тўртта тилни билади. Редакциянинг бошқа ходимлари икки-уч тилда гап-лаша олади. Авдижон, Наманган, Фарғона ва бошқа қатор областларда яшовчи минглаб руслар ўзбек тилини жуда яхши билдилар ва маҳаллий аҳоли билан уларнинг она тилларида бемалол гаплашадилар. Олтинчи район партия комитетининг секретари Владимир Васильевич Федоров район пилаторлари ва сабабоқ-жойлари механизматорлари ва пилаторлари билан соф ўзбек тилида сўхбатлашади, тўб аҳолининг турмуши, урф-одатларини жуда яхши билди. Тошкент шаҳар А. Ибромов район партия комитети иккинчи секретари Вячеслав Мишиннинг ҳам ўзбек тилини билиши, сўзсиз, унинг бафта. ТошДУ КПСС тарихи кафедраси ўқитувчиси Игорь Кудряцев билан Тошкент элек-

тротехника алоқа институтининг алоқа корхоналари экономикаси кафедраси катта ўқитувчиси Вера Донченко рус тилидан ташқари ўзбек тилини ҳам жуда яхши билдилар ва студентлар билан ҳар икки тилда машғулот олиб борадилар. Рус йўлиги Павел Тишин шу институтнинг радио алоқалари ва радио эшиттиришлари факультетининг ўзбек тили поғида ўқийди. Аксинча, шу ва бошқа факультетларнинг рус тили потокларида 40 процентдан кўпроқ рус бўлмаган миллат вакиллари таълим олишади. Буларнинг ҳаммаси табиий ҳолдир.

Шу билан бирга кўп тиллик масаласи тақомиллашувга муҳтож қўрилади. Бу борада муҳим шук, аввало ҳар ким ўзида тил ўрганиши аҳтисез сезсин. 1913 йилда Махмудхўна Бехбудий

Бизнинг орамида кўпгина чет тилларни биладиган одамлар ҳам бор. Чунки, фақат фақат фақат доктори Қўчқор Хоназаров ўзбек ва рус тиллари билан бир қаторда инглиз ва француз тилларида ўқийверади. Узоқ вақт Берлин университетининг профессори бўлиб ишлаган партия ходими Э. Фозиллов олти Европа ва шарқ тилларини ағаллаган.

Кўп тилликнинг аҳамиятини марксизм-ленинизм классиклари ҳам чуқур тушунишган ва кўп тилларни ўрганишга ўзлари ҳам эҳтиёж сезишган. Маълумки, К. Маркс ёшли йилларидаёқ антик, яъни лотин ва грек тилларидан ташқари кўпгина европача тилларни ҳам яхши биларди. Шу билан бирга у тилнинг софлиги ва тўричилиги борасида ўта ҳалол

1851 йилга тегишлидир. У ўз хатида кейинги икки ҳафтада рус тилини эур бериб мурола қилгани ва грамматикани деярли тугатганини маълум қилган эди. (Асарлар, 28-том, 30-бет). Кўпгина маълумотларга қараганда Энгельс грамматикадан сўнг рус тилини бадий асарлар орали ҳам ўрганган, кейинчалик эса социалистик адабиётларни ўқиб бошлаган. Рус тили энг кучли, энг бой тиллардан бири, шунинг учун ҳам уни ўрганиш фойдалан ҳоли эмас, деб таъкидлаган эди Ф. Энгельс (18-том, 526-бет).

Карл Маркс рус тилини ўрганишга киришганда 52 ёшга қадам қўйган эди. Шундай ёшга борганда рус тилини ўрганишга жазм этиш унда Россияни билиш борасида сифат жиҳатидан янги босиқ бошланганидан, бу мамлакатта нисбатан илмий қизиқтириш кучайганидан далолат беради.

Н. Фларовскийнинг «Россияда ишчилар синфининг аҳоли» китоби Маркснинг рус тилини ўрганишга киришишга бевосита туртки бўлган эди. Бу китобни унга рус иқтисодчиси Н. Данильсон 1869 йили юборган эди. К. Маркс бу китобни асл нусхада ўқиб, танишиш мақсадида рус тилини ўрганиш билан эур бериб шугуллана бошлади.

Поль Ладфаргинг ёзишига қўра, этимологик жиҳатдан рус тили К. Марксга таниш бўлган қўна ва янги тиллардан йироқ бўлса ҳам у рус тилини нисбатан шундай тез ўрганиб олдики, рус шоирлари, проза нависларини ҳузур қилиб ўқирди. Булардан, айниқса, Пушкин, Гоголь ва Шедриларни қадрларди. К. Маркс билан Ф. Энгельс, Н. Г. Чернышевский, А. И. Герцен, Н. А. Добролюбов, Н. П. Огарев, Н. А. Некрасов, шунингдек қўлаб рус иқтисодчилари, тарихчилари ва файласуфлари асарларини асл нусхада ўқиганлар.

Имоним комилки, Маркс ва Энгельс ҳам кўпгина тилларни беқордан-беқорга ўрганмаганлар, балки турли халқларнинг маънавий ва итисодий турмушини, урф-одатлари ва анъаналарини тўлақон билишга мунтазам кучли эҳтиёж сезганлар. Улар кишилик жамиятининг янада чуқурроқ ва ҳар томонлама таъдиқ қилиш учун ўзга тилларни ўрганганлар ва бунинг учун дунёдаги кўпгина мамлакатлардаги материаллардан фойдаланганлар. Инсониятнинг турли тилларида сўзлайдиган энг доно кишилари яратган ғимматли асарларини асл нусхада ўқиб шун ҳам улар кўп тилларни билишга ҳаракат қилганлар.

Хулоса қилиб айтганда — мен кўп тилликни тарафдориман.

А. АБДУНАБИЕВ,
Ўзбекистон ССРДА хизмат кўрсатган фан арбоби, Тошкент электротехника алоқа институтининг КПСС тарихи кафедраси мудири.



• Ленинобод — Тошкент •
УНУТИЛМАС УЧРАШУВЛАР



• ЯҚИНДА Ленинобод

область комсомол-бшлар делегацияси Тошкентга келди. Қардош халқ вакиллари билан дўстона суҳбатлар бўлди, дўстлик, ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашда комсомол-бшларнинг роли таъкидлаб ўтилди.

Учрашувда дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш юзасидан шартнома тузилди.

СУРАТДА: учрашувдан лавҳалар.

А. Зуфаров фотолари.



• Қизиқарли статистика

Қанча ишловчи, қанча коммунист бор?

Редакцияга келаятган мактубларнинг бири эсимда газетчилик Тошкентда партия ташкилотининг миллий состави тўғрисида маълумотлар бериши илтимос қилинган.

Ўтган йилнинг декабрида бўлиб ўтган XXIII область конференцияси арафасида партия ташкилотларининг миллий состави чуқур тадиқ этиб чиқилди. Статистик маълумотлар шуни кўрсатдики, ҳозирги кунда областда халқ хўжалигининг турли тармоқларида 1 миллион 592 миң киши меҳнат қилмоқда. Уларнинг 183 миң 729 нафари коммунистлардир.

Областимиз ишлаб чиқаришида банд бўлган кишиларнинг энг кўпчилиги ўзбеклар ҳисобланади. (646,3 миң). Уларнинг 74 миң нафари коммунистлардир. Ишлаб чиқаришда меҳнат қилаётганларнинг 417,9 миң нафари руслар, уларнинг 58,6 миң нафари коммунистлардир. Ишлаб чиқаришда энг кўп банд бўлган миллат вакиллари орасида татарлар учинчи ўринни эгаллайди. Турли тармоқларда 139,7 миң татар меҳнат қилапти. Улар орасида 13,1 миң коммунист бор.

Қозоқ миллатига мансуб кишилар ҳам область экономикаси юксалтиришга катта ҳисса қўшапти. Барча тармоқларда ишлаётганларнинг 87,4 минти қозоқлар бўлиб, улар орасида коммунистлар 10,1 миң кишини ташкил этади. Ишлаб чиқаришда банд бўлган қорейслар 45,6 миң (шундан коммунистлар 4,5 миң), украинлар 38,6 миң (шундан коммунистлар 6,4 миң), тоjikлар 32,3 миң (шундан коммунистлар 3,3 миң) кишини ташкил этади.

XXIII область партия конференциясида таъкидланганидек, область партия ташкилотининг ҳисобига 85 миллат ва элатта мансуб коммунистлар бор. Конференцияга 20 миллат вакиллари делегатлар сайланган эди. Улар ленинча миллий сўбати амалга оширишда, миллатлараро муносабатлардаги муаммоларни бартаф этишда актив фаолият кўрсатишмоқдалар.

Редактор
Н. НАСИМОВ.

КўП ТИЛЛИК ТАРАФДОРИМАН

туркистонликларни тўрт тилни ўрганишга даъват этиб,

араб, рус ва француз тилларининг муҳим аҳамиятини таъкидлаган эди. Биз республикамиздаги кўпбал мактаб ва олий ўқув юртиларида чет тилларни ўқитиш яхши йўлга қўйилмаганини таъкидлашни истардим.

Бугунги кунда турли ёшдаги ва насбдаги кишиларда инглиз, немис ёки француз тилларидан бирини ҳеч бўлмағина ўрта меъна даражада билишга тобора кўпроқ эҳтиёж сезилмоқда. Бунинг боиси шундаки, бизнинг давримизга келиб қайта қуриш ва янгиланиш туфайли ҳорижий шериклар билан иқтисодий, маданий ва бошқа алоқалари йўлга қўйиш оsonлашмоқда. Бундан ташқари мамлакатимизда чет тилларда ахборотлар билан таъминланган компьютер техникаси кўпайиб бораётди. Дарвоқе, бизда анчагина чет эл илмий-техника адабиётлари мавжуд. Бироқ тил билмаслик оқибатида кўпчилик улардан фойдалана олмайдди. Яқинда «Средазнабел» ишлаб чиқариш бирикмасида ўзини ўзи қоплаш асосида инглиз тилини ўрганишнинг тезлаштирилган курси оchild. Бундай курслар бошқа бир қатор жойларда ҳам мавжуд. Аммо бу масалани қисман ечилиши ҳисоб. Давр руҳи ҳар бир совет кишининг камиди икки-уч, шу жумладан битта чет тилини билиши зарурлигини тақозо этмоқда. Бизнинг маданийлашган асримизда, менимча, бусиз мумкин эмас.

фиркли ва ҳаққўй эди Маркс

кўпгина асарларини ўзи жуда яхши ағаллаган немис тилида яратган. «Кундалик Нью-Йорк газетаси»да босилган талай мақолалари инглиз классик тилида, француз матафакриги Прудоннинг «Қашшоқлик фалсафаси»га қарши қаратилган «Фалсафа қашшоқлиги» китоби эса соф француз тилида ёзилган.

Ф. Энгельс ўн икки тилда эрикти гапириб, ёзарди ва яна олти тилда ўқирди. Партия коммуналарида бири унинг бу ҳислатларини назарда тутиб «Энгельс йигирма тилда дудуқланади» деган эди (Энгельс бахшлар чоғида ҳаяжонланганида, одатда бироз дудуқларди).

Партияимиз асосчиси В. И. Ленин инглиз, немис, француз тилларини мукамал биларди, италияча ўқирди, чех ва полячани тушуварди. У бошқа тиллар адабиётига ҳам тез-тез мурожаат қилиб турарди.

Ун тўққизинчи асрнинг ўрталарида Маркс ва Энгельснинг Россияга қизиқишлари шу даражада кучайдики, рус ҳаёти хусусидаги Фарбий Европа адабиёти энди улар учун етарли бўлмади. Шу сабабли илмий социализм асосчилари тил ўрганиш оғир нечадиган етук ёшларида ҳам ҳаракат қилиб, рус тилини ўрганишлар ва рус маъналарини асл нусхада ўқийдиган бўлидилар.

Рус тилини ўрганишга, аввал Энгельс киришган, аввал ҳақдаги биринчи маълумот

қандай қилиб айтганда —

мен кўп тилликни тарафдориман.

А. АБДУНАБИЕВ,
Ўзбекистон ССРДА хизмат кўрсатган фан арбоби, Тошкент электротехника алоқа институтининг КПСС тарихи кафедраси мудири.

• Корей миллий анъаналари •

Ўтган йили бизнинг ҳаётимиз ва ўтмиш меросимизга бўлган катта ҳурмат тарихчида Тошкентда қорей миллий маданият марказининг ташкил этилиши биз учун айниқса чинкам маънода катта воқеа бўлди. Эндиликда қорейларнинг ўз урф-одатлари, анъаналарини тўла намоён этиш учун кенг йўл очилди.

Яқинда февраль ойининг сарфай кунларидан бирида ойл календарига мувофиқ янги йил байрамнинг тантанали ишончлини биргине қорейлар учунгина эмас, бу шодонада иштирок этган ўзбек, рус, қozoқ, қирғиз, қрим-татар ва бошқа миллат вакиллари учун ҳам завқ-шавақ бўлади. Коммунистик ройондаги «Ўзбекистон» колхозда бўлиб ўтган ана шу катта байрамда Карл Маркс номи, «Политотдел», Сервдоло номи, «Ленинский путь», «Правда» колхозларидан келган дехқонлар, чорвадорлар, механизаторлар, Тошкент Нериманов шаҳарларидан ташриф буюрган меҳнаткашлар иштирок этидилар. Мен ана шу шодона ҳақида тўққизинчи шодона қилар эканман, бундай тантана мамлакатимизда биринчи мартаба ўзбек дўирида ташкил этилаётганлигини алоҳида қайт этмоқчиман. Байрам ташаббускорлари — Нариманов шаҳар партия комитетининг секретарлари Анатолий Шек ва Геннадий Соболев, «Политотдел» колхози драма тўғраги бадий раҳбари Эмилия Ли, шунингдек, райондаги бир қатор колхозлар раҳбарлари бир азувчи сифатида миннатдорчилик билдиришмоқиман.

Уша кун байрамлардагидек

безатилган қолхоз маданият саройи кўпчилиги ўзига жалб этди.

Серой атрафидидаги майдонлар шодонадан кўнгли тўлган кексалар, хотин-қизлар, болалар билан гавжум. Улар бундай тантананда биринчи бор иштирок этаётган эдилар. Шарқ музикасини, қўшиқларини қизиқиш билан тингладилар. Улар қрим-татар, украин кўн

газ, эал томон ошиқадилар. Каттақон эшикнинг бир табақасида қорейслар урғига қўра бахт тимсоли бўлган хўроз, иккинчи табақасида барча кависикликлари даф этуви — йўлбарс сурати чиқилган. Эшикнинг ички томонида хушбахторлар элиси сўпўтўри шариб ишланган. Янги йилда қорейслар эшикларини худди ана шундай суратлар билан

ларини кўрсатиб бердилар. Болалар ота-оналари олдида биринчи бўлиб уч буклиб салом бериб келадилар, Пешоналарини ерга тегишиб таъзим қилдилар. Пешонаси ерга тегишган бўла тарбияси ҳисобланади. Бундайларга ота-онаси, қариндошлари томонидан даққиқ бериладди.

Ноз-неъматларга тўла дастурхонда ҳам миллий анъанавар сақланган. Балик, гўшт, гуруч, шарбат, гуручдан тайёрланган бутқа, гуруч-ном. Буларнинг ҳаммасини жойлаштиришда ҳам ўзига хос маъно бор. Қария қадаҳга шарбат қуяди, таралкега гўшт, мевачева, балик, ширинликлар ва бошқа томлардан солиб, столга уч марта «салом» беради. Бу ўтмиш авлодга ҳурматин билдирадиган одатдир.

Ана шундан кейингина оила аъзолари янги йил кутини оила қилишадилар. Ёшлар гуруплари кексаларга қараб «Сизларнинг ташвишлирингиз эриган қордек йўқ бўлиб кетсин, узоқ умур кўринг, бахт, саломатлик сизга ёр бўлсин, ота-оналар миңг йиллар шавшсин», — дея етак билдиридилар. Бу маросим таъғатган гулдўрос қарсақли остида 1989 йилнинг тимсоли — икки ёш сазнага чиқди. — Ўзбек халқи номидан янги йилни ўзбек қozoқ ансамбллари, Москва давлат консерваторияси талабеси Элина Пақ, тошкентлик пианиночи Гули Султоновалар кўтладилар. Райондаги барча бадий ҳаваскорлик коллективлари кечгача концертлар бердилар. Рус Янги йили, ўзбек Наврўзи каби қорей Янги йили ҳам умумхалқ байрамига айланмоқда. Борис ПАҚ, азувчи.

Қардошлар тажрибасига суянайлик

МЕҲНАТ отпускамда Закарпатье ўлкаси бўйлаб саёҳат қилдим. Сафар давомида биз ўнча шаҳарда бўлдик. Эксикурсиялар, суҳбатлар, учрашувлар чоғида миллий масалалар билан боғлиқ кўпгина янгиликлардан хабардор бўлдим.

Закарпатьеда юздан ортиқ миллат ва элат вакиллари инок яшаб меҳнат қилмоқдалар. Маълум бўлишича, бу ўлкада маҳаллий тиллардан ташқари венгер тилида ўқитиладиган 101 та, румин тилида ўқитиладиган 18 та мактаб бор экан. Венгер тилидаги ўқув қуролилари Будапештдан, румин тилидаги дарсликлар эса Кишиневдан олинади. Будапештдан берилаятган телекўрсатувларини аҳоли бемалол томоша қилмоқда. Китоб магазинларидан эса барча тилларда чоп этилган дарсликлар ва классик адабиётларини сотиб олиш мумкин. Шу ўринда мен бекатёр областимизда истиқомат қилаётган турли миллат вакиллари учун яратилган шароитларни эсладим. Сир эмас, китоб магазинларида қozoқча, тоjikча, татарча китобларни кам кўрамиз. Ҳали кўп жойларда миллий тилларда мактаблар йўқ. Бу борада Закарпатьедан ўртак олсак арзийди.

Бу ўлкада раҳбар кадрлар ҳам турли миллатта мансуб. Берегова шаҳар ижroiа комитети раиси болгар, унинг биринчи ўринбосари немис, бошқа ўринбосарлари эса украин ва румин миллатига мансубдир. Шаҳар аҳолисининг 80 процентини венгерлар ташкил этади. Шунинг учун қoрада ишлар венгер тилида юрйтилади. Мактабларнинг 18 тасида дарслар венгер

тилида, 17 тасида эса румин тилида олиб борилапти.

Чехословакия билан чегарадош Унгарод аҳолиси чехословакиялик биродарлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатган. Чегарага туташ хўжаликларнинг галласини янгиштириб олишда чехословакиялик механизаторлар катта ёрдам кўрсатамоқдалар. Маъсумда улар ўз қондиларини билан келиб гапла ўзига қатнашадилар, кейин картоқани янгиштириб олишда кўмаклашадилар. Чунки биз томонда ҳосил Чехословакиядегига нисбатан икки ҳафта олдин етлади. Сўнг закарпатьедаги механизаторлар чехословакиялик ҳамкасбларга кўмаклашадилар. Бу тажрибани бизнинг областда ҳам қўллаш мумкин. Тожикистон, Қozoғистоннинг областимизга туташ хўжаликлари ўзаро ҳамкорлик ўрнатишлари керак.

Сафар давомида кўпгина тарихий шахсларнинг ҳаёти ва фаолияти билан яқиндан танишдим. Кишиневда машҳур архитектор А. В. Шчуевнинг уй-музейини кўздан кечирдим. Бу ерга А. Навоий номида Ўзбек Давлат академик театрининг дастлабки эскизлари, Самарқандаги қадимий обидаларини тўғри қилиш тарихига оид ҳужжатлар қўйилган эди. В. И. Ленин мавзоейи, Москвадаги Қozoқ вокзалы каби ноёб обидалар Лоикчалар ҳам А. В. Шчуев ижодида мансуб. Уй-музейдаги экспонатлар тасаввуримизни яна ҳам бойлатди. А. В. Шчуев кўз ўнгимизда ҳақиқий интернационалчи, миллий урф-одатларини қадрловчи мутахассис сифатида гавдаланди.

А. АЙТЪОЕВ, курувчи-инженер.